

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 2, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz





The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency

According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.

Address:

*200100, Buxoro city,
K.Murtazoyev street, 16
Bukhara State University
Department of Psychology
Phone: 0(365) 221-29-73*

The journal is published 4 times a year

*Website: www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
psixologiya_jurnali@umail.uz*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011- yil 25-fevral № 05-45-soni guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 201/3-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

Tahririyat manzili:

*200100, Buxoro shahri,
K.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy
Buxoro davlat universiteti
Psixologiya kafedrasи
Tel: 0(365) 221-29-73*

Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.

Website:

*www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
psixologiya_jurnali@umail.uz*

Журнал зарегистрирован Бухарским областным управлением агентства печати и информации Республики Узбекистан. Свидетельство № 05-45 от 25.02.2011г.

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании решения ВАК №201/3 от 26 декабря 2013 года для получения учёной степени доктора психологических наук.

Адрес:

*город Бухара 200100,
улица М.Икбала, 11
Бухарский государственный
университет
кафедра Психологии
тел: 0(365) 221-29-73*

Журнал выходит 4 раза в год.

Website:

*www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
psixologiya_jurnali@umail.uz*

**Мундарижка/Содержание/Contents**

3	Умаров Алишер Юсубжанович Таълим тизимида ижтимоий ҳамкорлик тушунчасининг мазмун ва моҳияти <i>The content and essence of the concept of social partnership in the education system</i>
7	Бекмуродов Адхам Шарипович, Хайитов Ойбек Эшибоевич Янги ўзбекистон ёшлари ижтимоий мақомини юксалтириш масалаларига амалий ёндашув (узлуксиз таълим мисолида) <i>Practical approach to raising the social status of young people in Uzbekistan (on the example of continuing education)</i>
16	Қосимов Убайдулла Ахрорович Таълим жараёнини самарадорлигини ошириш, тил ўрганишда нейролингвистик дастурлаш(нлд)нинг инноватив имкониятларидан фойдаланиш <i>Improving the efficiency of the educational process, the use of innovative features of neurolinguistic programming (nld) in language learning</i>
21	Умаров Баҳридин Мингбоевич, Каримов Ҳолмурод Каримович Рахбар ва ходимларни танлаш муаммосининг диний ва психологик талкини <i>A religious and psychological interpretation of the problem of manager and staff selection</i>
26	Qahhorov Siddiq Qahhorovich, Karimova Oynisa Abdimuminovna, Karimova Nargiza Abdimuminovna Pedagogik-psixologik yondashuv orqali o'quvchilarning kreativ tafakkurini faollashtirish Encouraging students' creative thinking through a pedagogical-psychological approach
32	Халимова Машрабой Вахидовна Mas'uliyatlilik fenomenining ijtimoiy-psixologik tahlili va uning rivojlanish bosqichlari <i>Socio-psychological analysis of the phenomenon of responsibility and its stages of development</i>
36	Ахмедова Нигора Дадаҳоновна Психолого-педагогические особенности роли профессиональной культуры врача <i>Psychological and pedagogical features of the role of a doctor's professional culture</i>
40	Арифханова Саида Наримановна Исследование воздействия деструктивного контента на молодёжную аудиторию Research on the impact of destructive content on youth audiences
52	Тошпулатова Шахло Очиловна Методологические проблемы обеспечение научно-инновационного сотрудничества психологических и педагогических наук на уроках физики Methodological problems ensuring scientific and innovative cooperation of psychological and pedagogical sciences in physics lessons
56	Botirova Dilafruz Bozorovna Sotsial persepsiyaning gender xususiyatlari Gender features of social perception
60	Gadayeva Munira Muxamedovna Integratsion ta'lilda mantiqiy va tanqidiy tafakkurning pedagogik-psixologik asoslari Pedagogical and psychological bases of logical and critical thinking in integrated education
65	Жўраева Соҳибжамол Норқобиловна Ўқитувчи имиджи масъулияти билан ўзаро алокадорлик уйғунлиги Interaction of teacher image with responsibility
70	Mominova Xijran Eldarovna




	O'zbekistonda maktabgacha ta'lif va tarbiya tizimida psixologik faoliyatning bugungi holati The current state of psychological activity in the system of preschool education in Uzbekistan
80	Исламова Дилафруз Бустановна Тутинган оиласлар ва болалар ўзаро психологияк мослашувининг эмпирик таҳлили An empirical analysis of the psychological adaptation of dependent families and children
84	Кораева Юлдуз Хушбоковна Эгоизм ижтимоий психологик тадқиқотлар предмети сифатида Selfishness as a subject of social psychological research
87	Улмасова Дилдорахон Хикмат қизи Эмоционал интеллектни ривожлантиришда тренингларнинг роли Emotional intellectni rivozhlantrishda training role
91	Хасанов Альберт Шамильевич, Турахонов Абдукарим Эшикузиевич Мутахассисларда касбий масъулият шаклланишининг психологик хусусиятлари Psychological features of the formation of professional responsibility in professionals
95	Шониязова Ирода Мурадуллаевна Эрта никоҳ қуришнинг психологик муаммолари Psychological problems of early marriage
99	Шакарбоева Шахноза Абдулакимовна Бўлажак ўқитувчиларда ўз устида ишлаш фаолиятини тарбиялашнинг ижтимоий-психологияк жиҳатлари Socio-psychological aspects of cultivating self-study activities in future teachers
105	Эргашева Сайёра Холиёровна Умумий ўрта мактаблари бошқарув тизимини назарий тарихий асослари Theoretical and historical foundations of the management system of general secondary schools
110	Останов Шухрат Шарифович Талабаларда арт-терапия орқали креативлик хусусиятларини ривожлантиришнинг психологик асослари Psychological basis of the development of creative qualities in students through art therapy
114	Рустамов Шавкат Шухратович Амалиётчи психологлар касбий компетенлигини ривожланишида математик усуллардан фойдаланишининг амалий жиҳатдан ўрганилиши A practical study of the use of mathematical methods in the development of professional competence of practicing psychologists
118	Расуловва Ирода Мансуровна Оиладаги зўравонликни юзага келишида оиласларни таъсирини ўрганиш натижалари Results of a study of the impact of family conflicts on the occurrence of domestic violence
123	Хазратов Фазлиддин Хикматович Бўлажак география ўқитувчисининг геоахборот тизимлардан фойдаланиб таълим психологиясини ўрганиш модели A model for the study of educational psychology by a future geography teacher using geoinformation systems
INTERNET MAQOLA	
127	Акром МАЛИК Онгнинг остида нима бор? What is under the mind?



Bizning yangilangan saytimizga tashrif buyuring
PSIXOLOGIYABUXDU.UZ

Saytimizda maqolalarni o'qishingiz va ularni elektron nusxasini yuklab
 olishingiz mumkin



<p>PSIXOLOGIYA ilmiy jurnal 2-son (46) Buxoro – 2021. 130 b.</p> <p>PSIXOLOGIYA научный журнал. Выпуск 2. (46) Бухара – 2021. – 130 с.</p>	<p>Jurnal O'zbekiston psixologlarining BuxDU muassisligidagi nashri hisoblanadi.</p> <p>Jurnalning nashr sifati uchun bosmaxona javobgar.</p> <p>OBUNA INDEKSI 3062</p>	<p>Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Bosishga ruxsat etildi</p> <p>Qog'oz bichimi 60x84, 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shatrlis bosma tabog'i - 28 Buyurtma №123. Adadi – 50 Bahosi kelishilgan narxda. “Sharq Buxoro” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro sh. M. Iqbol, 11-uy.</p>
--	--	---

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi
201/3-sonli qarori bilan psixologiya
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy
maqolalar chop etilishi lozim bo'lган
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291





Рустамов Шавкат Шухратович,
БухДУ психология кафедраси ўқитувчиси



АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МАТЕМАТИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация: Ушбу мақолада мактаб амалиётчи психологларининг касбий компетенлигини оширишида математик усуллардан фойдаланиши, улардан олинган эмпирик маълумотлар тавсифи ҳақида фикр боради.

Калим сўзлар: компетентлик, интеллект, математик компетентлик, професионал компетентлик, математик статистика.

Аннотация: В данной статье дается представление об использовании математических методов в повышении профессиональной компетентности школьных практикующих психологов, дается описание полученных с их помощью эмпирических данных.

Ключевые слова: компетентность, интеллект, математическая компетентность, профессиональная компетентность, математическая статистика.

Abstract: This article gives an idea of the use of mathematical methods in increasing the professional competency of school practicing psychologists, a description of the empirical data obtained from them.

Key words: competence, intelligence, mathematical competence, professional competence, mathematical statistics.

Мавзунинг долзарблиги: Жаҳонда ҳар бир мамлакат таълим тизимида зеҳни, иқтидорли, қобилиятли ва ижодкор инсонларни ўқитиш ҳамда уларни жамият тараққиётига тайёрлаш устувор вазифа сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида психологларни тайёрлашда уларнинг касбий компитентлиги ривожлантиришида аниқ фанларни ўқитиш, интеграллашган интерфаол таълим технологиялари, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали механизmlари йўлга қўйилмоқда.

Дунёнинг халқаро илмий марказларида амалиётчи психологларининг математик компитентлик, ижодий-яратувчанлик, психологларни мантиқий фикрлашга йўналтириш, гуманитар фанларнинг математика соҳаси билан ўзаро интеграцияни ўрганиш, инновацион, техник тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари, психологик маълумотларни математик-статистик усуллар орқали қайта ишлашга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Глобаллашув ва ахборотлар кўлламиш интенсивлашуви шароитида психология соҳаси бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда компьютер усулларидан фойдаланиш тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири кенг кўламли илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришга, индивидуал тарзда диагностик ишларни олиб боришни тезлаштириш, осонлаштиришга имкон берувчи ташхис методикаларининг компьютер вариантларининг яратилиши бўлса, иккинчиси, статистик танламаларнинг репрезентативлигига, маълумотларнинг статистик тахлили негизида чиқарилган хуносаларнинг асослилигига талабнинг кучайишидир.

Хозирги кунда тадқиқотчилар математик компетенликни мураккаб қобилият сифатида асословчи элементар билиш усулларини аниқлашга катта эътибор қартишмоқда. Математик қобилият моҳиятнан психологик функционал фаолият тизимининг хусусияти сифатида қаралади. Хозирги пайтда математик компетенликнинг таркибий қисмлари ҳақида турли назариялар мавжуд. Қуйида бир нечта мисолларни келтирамиз.

Хорижий олимлар томонидан амалиётчи психологларнинг математик компетентлиги борасида бир қанча изланишлар олиб борилган бўлса-да, аммо улар қўлга киритган натижаларни маҳаллий шароитда тўғридан-тўғри кўллаш ижобий самара бермаслиги мумкин. Хорижлик олимларнинг тадқиқотларида мазкур муаммони ечишга бағишиланган фикрлар мавжуд. Жумладан, А.Адлер, Дж. Равен, К.Гаус, И.Борг, А.Кетле, Ф.Гальтон М.Муллер, Т.Стайфенбиел, В.А.Дюк, Р.Фишер, И.Ф.Гербарт, К.Холл, В.Лефевр, Ю.Кул,



М.Ф.Дробишларнинг олиб борилган илмий изланишларида психологик мухофаза тўғрисида шарҳлар берилган.

Рус олимларидан В.И.Байденко, И.А.Зимняя, В.В.Сериков, Ю.Г.Татур, В.Д.Шадриков, И.В.Блауберг, В.Г.Афанасьев, В.Н.Садовский, Э.Г.Юдин, В.И.Загвязинский, В.С.Ильин, Ф.Ф.Королев, В.П.Беспалько, В.В.Краевский, Н.В.Кузьмина, В.С.Гершунский, А.Д.Наследов, А.О.Крыштановский, М.М.Главатских, Р.И.Остапенко, Б.Г.Ананьев, Г.В.Суходольский, Е.В.Сидоренко кабиларнинг математик компетентлик бўйича олиб борган замонавий тадқиқотларида ўрганилган.

Мамлакатимизда мактаб амалиётчи психологларнинг математик компетенлиги, уларда психологик тадқиқот маълумотларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш ва ушбу муаммонинг замонавий ечимларини ишлаб чиқиши психологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбек олимларидан Ш.Р.Баратов, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, З.Т.Нишинова, Н.С.Сафоев, Д.Ф.Мухамедова, Б.Р.Қодиров, А.А.Расулов, Н.М.Муллабоева, П.С.Эргашев, Г.К.Тулаганова Г.Ш.Саломова, сингари олимлар амалиётчи психологларнинг математик компетенлигини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Энди бевосита келтирилган назарий таҳлилларимиз асосида амалиётчи психологлардан тадқиқотимиз методикалари орқали олинган статистик маълумотлар таҳлилларга ўтамиз. Дастребки Тадиқотимизнинг методикаси методикаси Дж.Равен ва Л.Пенроуз томонидан умумий интеллектни аниқлаш учун мўлжалланган *Progressive Matrices (Прогрессив матриксалар)* тести ҳисобланади. Муаллифларнинг фикрича бу тест муайян шаклларни, уларнинг хусусиятларини, характеристини, ўзаро муносабатларини ёки мажмуасини, муносабатлар йигиндисини идрок қилиш ҳамда математик компетентлик қобилиятини ўрганишга мўлжалланган.

Тест текширилувчининг интеллектуал фаолиятининг тизимлилиги, режалилиги, методик аниқлиги ва ақлий ривожланиш даражасини ўрганишга йўналтирилган.

Синов материалларини (матрисаларни) тузишда қўйидаги 2 та назария асос қилиб олинган:

- а) Гешталт психологлар томонидан илгари сурилган шаклларни идрок қилиш назарияси;
- б) К. Спирманнинг неогенез назарияси.

ТЕСТ ТАРКИБИ - 60 вазифадан иборат бўлиб, улар 5 серияга бўлинган (А, Б, С, Д, Е субтестлар).

Хар бир серия бир хил типдаги 12 тадан тест топширигини ўз ичига олаган бўлиб, вазифаларнинг мураккаблиги ошиб боради. Биринчи серияларда текширилувчидан факатгина аниқ фарқни топиш талаб қилинади. Кейинги, анча мураккабларида эса ўхшатиш (анология), фикран шакл элементларидаги ўрин алмашишларни, улардаги ўзгаришларни ва мантикий боғланишларни топиш талаб қилинади.

Шунга мувофик равишда тест топшириклари қўйидаги йўналишга эга:

- А - матриса элементлари орасидаги ўзаро боғланишларни топиш;
- Б - жуфт шакллар (фигуралар) орасидаги ўхшашликларни топиш;
- С - шаклларда рўй бераётган ўзгаришларни англаш, топиш;
- Д - матриса шаклларини қайтадан классификация қилиш ва гурухларга бирлаштириш;
- Е - шаклларни таркибий элементларга ажратади.

Тестни ечиш жараёнида қўйидаги 3 та психик жараёнлар иштирок этади:

- 1) диккат, кузатувчанлик;
- 2) идрок, идрок қила олиш;
- 3) тафаккур, тушуна олиш.

Тестнинг классик вариантида вақт чегараланмаган. Тест индивидуал ва гурухларда ўтказилиши мумкин. Текширилувчиларга бериладига кўрсатма оддий ва оғзаки ёки ёзма равишда берилади. Биринчи сериянинг дастребки икки вазифасидан кўргазма ва тушунтириш воситасида фойдаланиш мумкин.

Тўғри ечилган ҳар бир вазифа учун бир балл берилади. Шунинг учун энг юқори натижа – 60 балл. Тўпланган балл маҳсус жадваллар ёрдамида, текширилувчининг ёшини ҳисобга



олган ҳолда, просентилларга айлантириллади. Аниқланган просентиллар текширилувчининг ақлий ривожланиш даражаси кўрсатгичи (IQ)дир.

Кўпчилик психологларнинг фикрича, абстракт шакллар орасидаги ўзаро муносабатларни англашга йўналтирилган бу тест умумий интеллектни, "**Г**" **факторни**, ўлчашга мўлжалланган барча мавжуд тестлар орасида энг самаралиси, деб қаралади. Шу сабабли ҳам у психодиагностик амалиётда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида кўп қўлланилаётган тестлардан биридир.

Тестнинг статистик кўрсаткичлари.

Фоизлар орқали ифодаланган меёrlар **8 дан 14** ёшгача бўлган болалар учун 6 ой оралиқ билан ва **20 дан 65** ёшгача бўлган катталар учун 5 йил оралиқ билан берилган.

Тестнинг бир қатор Европа мамлакатларида олинган натижалари ва кейинги йилларда Дж.К.Равеннинг ўғли британиялик профессор Дж.Равен томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари мавжуд меёrlарнинг яроқлилигини кўрсатди.

Методиканинг қайта тестдан ўтказиш йўли («ретест» усули) билан аниқланган ишончлилик коефициенти 0,70 - 0,90 оралиғида жойлашган [7].

Тестнинг бошқа вербал ва ҳаракат тестлари билан коррелясияси 0,40 - 0,75 оралиғида бўлиб, унинг ҳаракат тестлари билан коррелясияси нисбатан юқори.

Ўрганиладиган хусусиятларнинг тест сериялари бўйича характеристикаси

«А» серияни бажаришдаги вазифалар матрисада етишмаётган элементларни берилган варианtlар орасидан топиб, тўлдиришдан иборат. **«А» серияга** кирувчи вазифаларни ечишда асосан қўйидаги иккита тафаккур жараёни иштирок этади:

1) берилган матриса (намуна) нинг тузилишини таҳлил қилиш ва элементларни табақалаштириш асосида унинг қисмлари орасидаги боғланишларни англаш;

2) асосий шаклда етишмаётган элементни идентификация қилиш, унинг барча томонларини берилган элементлар (6-8 жавоб варианtlари) билан таққослаш.

Психологик мөхияти: вазифани бажаришнинг самарадорлиги, дикқатнинг самарадорлиги, тасаввур ва берилган обектлар орасидаги фарқ ва ўхшашликларни топа олишга боғлиқ, ъ

«Б» серияни бажаришдаги асосий вазифа иккита жуфт шакллар орасидаги ўхшашликни (аналогияни) топишдан иборат. Текширилувчи берилган шакллар орасидаги мавжуд ўзгаришларни аста- секинлик билан англаши, шакллар орасидаги симметрияни кўра олиши орқали вазифани ечади.

Психологик мөхияти: тўғри чизиқли дифференсиасия ва тўғри чизиқли боғланишлар асосида хулоса чиқара олиш қобилияти намоён бўлади.

«С» серия вазифалари матрисадаги шаклларнинг малум мантикий принципда мураккаблашиб боришига асосланган. Шаклларнинг жойи ўзгариши билан улар «бойиб», «тўлиб» боради. «Тўлиб» боришлар горизонтал йўналишда ҳам вертикал йўналишда ҳам рўй беради ва энг охириги, етишмаётган элементда барча ўзгаришлар юзага чиқади (йифилади).

Психологик мөхияти: динамикани, ўзгаришларни кузатувчанлик, рўй берадиган ўзгаришларни тез илғаб олиш қобилияти, этиборлилик (дикқатнинг самарадорлиги), хаёл ва тасаввурнинг ривожланганлиги намоён бўлади.

«Д» серия вазифалари матрисадаги шаклларни горизонтал ва вертикал йўналишларда қайта куришга асосланган. Вазифанинг ечими шу ўзгаришларни, шаклларнинг алмашиниши остида ётган қонуниятларни англашни талаб қиласди.

Психологик мөхияти. Вазифанинг ечими текширилувчи томонидан шаклларда рўй берадиган **сифат** ва **микдор** ўзгаришларни илғаб олиш, уларни малум тартибга келтириш (қонуниятни топиш) қобилиятига боғлиқ.


«Е» серия вазифалари матрисанинг алоҳида элементлари орасидаги фарқларни бирор принцип асосида анализ ва синтез қилишни талаб қиласди. Вазифани ечиш учун шаклларнинг элементларини алгебраик принцип бўйича кўшиш, айриш, аралаштириш талаб қилинади. Шундай қилиб етишмаётган элемент матрисанинг бошқа элементлари устида бажарилган турии алгебраик операсиялар натижасида топилади.

Психологик мөхияти: қаторларда рўй берадиган мураккаб сифат ва микдор ўзгаришларни кузатиш ва англаш талаб қилинади. Бу серия вазифаларни ечишда абстраксия ва динамик синтезнинг олий шакли намоён бўлади.

Кўйида тестни ўтказиш учун жавоб варианти, текширилувчига кўрсатма ва тест вазифаларининг бир қисми берилади. Кейинги сонларда эса тест вазифалари, тест калити ва олдинган бирламчи натижаларни (балларни) просентилга ўтказиш жадваллари чоп қилинади.

Жадвал № 1.
Амалиётчи психологлар “Прогрессив матрицалар” тести орқали олинган умумий маълумотлар таҳлили

Гурухлар	Интеллект даражалари						Жами:
	паст	Фоиз	ўртacha	Фоиз	юқори	Фоиз	
Назорат	61	38,1	79	49,3	20	12,6	160
Тажриба	64	42,6	69	46,1	17	11,3	150
Жами:	125	40,3	148	47,7	37	11,9	310



1-расм. Амалиётчи психологлар “Прогрессив матрицалар” тести орқали олинган умумий маълумотларнинг диаграмма кўриниши

Келтирилган натижалар (1-жадвал ва 1-расм) га кўра, амалиётчи психологларда интеллект даражаси тажриба гурухида паст даражада (42,6 %), ўртача (46,1 %), юқори (11,3 %) ташкил этган бўлса, назорат гурухида эса паст даражада (38,1 %), ўртача (49,3 %), юқори (12,6 %) ни қайд этди.

Келтирилган кўрсаткичлар асосида амалиётчи психологлардаги интеллект даражалари тажриба ва назорат гурухларда энг кўп фойизда ўртача даражада (47,7 %), энг юқори даражада 11,9 % бўлса, энг қуий даражада эса 40,3 % эканлиги аниқланди. Бу эса амалиётчи психологларда математик матрицалар билан ишлаш, турли кўринишдаги амалларни бажаришда бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди.

Хулоса: Шундай қилиб, олинган тадқиқотлар натижасига кўрса контекстуал, қасбий йўналтирилган ёндашув фойдаланишни кенгайтириш, турли ахборот технологиялари кўламини кенгайтириш, замонавий таълим дастурлари талабларини ошириш борасида амалиётчи психологларнинг “қасбий-математик компетентлиги” тушунчасини шакллантириш лозим.

Адабиётлар:

- Leahy, T. N. A History of Psychology. — Second. — Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall, 2007.
- Суходольский Г.В. Математические методы в психологии. - Харьков: Изд-во Гуманитарный Центр, 2006. - 284 с.

3. Estes, W. K. Toward a statistical theory of learning // Psychological Review (англ.) русск.: journal. — 2004. — Vol. 57, №. 2. — P. 94-107.
4. Batchelder, W. H. Mathematical Psychology // Encyclopedia of Psychology / Kazdin, A. E. — Washington/NY: APA/Oxford University Press, 2002.
5. Зимняя И.А. Компетентностный подход. Каково его место в системе современных подходов к проблемам образования? (теоретико-методологический аспект) / И.А. Зимняя // Высш. образование сегодня: реформы, нововведения, опыт: журнал. - 2006. - №8. - С. 20-26.

Расурова Ирода Мансуровна,

Қарии Давлат Университети Педагогика институты мактабгача ва
бошлангич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси.



**ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИ ЮЗАГА КЕЛИШИДА
ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ**

Аннотация: Мазкур мақолада оиласда машший зўравонлик ва унинг юзага келиши сабабларини психологик тахлил этилади. Оиласий муносабатларда кескинлашаётган зиддиятга бир-бирини тушунмаслик (ёки ҳатго тушунишга ҳаракат қилмаслик) сабаблари имтий психологик манбаларга таянган холда тадқиқот натижалари асосида ёритилган.

Калим сўзлар: оила, низо, оиласий низо, зўравонлик, психология, шахслараро муносабат, рашик, феъл-атвор, зиддият

Аннотация: В статье проводится психологический анализ домашнего насилия и его причин. Причины непонимания (или даже непонимания друг друга) эскалации конфликта в семейных отношениях раскрываются на основе результатов исследований, основанных на научных психологических источниках.

Ключевые слова: семья, конфликт, семейный конфликт, насилие, психология, межличностные отношения, ревность, поведение, конфликт.

Annotation: This article provides a psychological analysis of domestic violence and its causes. The reasons for the lack of understanding (or even failure to understand each other) of the escalating conflict in family relationships are covered on the basis of research findings based on scientific psychological sources.

Keywords: family, conflict, family conflict, violence, psychology, interpersonal relationships, jealousy, behavior, conflict

Оиласий низо — психологик ва ижтимоий кескинлашган вазият бўлиб, турли оиласий гурухлар: эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, эр-хотинлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида, камдан-кам холда қариндошлар ўртасида юзага келади. Оила тузилмасининг ўзи турли ёшдаги ва жинсдаги кишиларни бирлаштиради ва низо чиқиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Кескинлашаётган зиддиятга (эр-хотинлар ўртасидаги муносабатлар) бир-бирини тушунмаслик (ёки ҳатго тушунишга ҳаракат қилмаслик) сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, умр йўлдошларидан ҳар бири қандай ўринда бўлиши ва бунга руҳан тайёрлиги қандайлигини тушунмаслик сабаб бўлади. Болалар ва ота-оналар ўртасидаги низо болаларнинг катталар таъсиридан қутулишга интилиши ёки ўзини ёлғиз ҳис этиш, оиласда ортиқалигани тушуниб этиш билан ҳам боғлиқ.

Зўравонликка дуч келишда оиласий низолар энг асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Тадқиқот иши давомида оиласдаги шахслараро муносабатларда низоларни келтириб чиқарувчи, зўравонликка олиб келувчи 50 дан зиёд омиллар таъсирини ўрганган бўлсак-да, лекин улардан энг муҳимлари деб баҳоланганд 20 та омилни олинди.

Бунинг учун анкета сўровларига жавоб бериш максадида 300 нафар респондентга шу вазифани топширдик. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Оиласдаги шахслараро муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар эр ёки хотиннинг характер хусусиятларига